



Музирин ёшлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

КЕЛАЖАК ҲАМ УЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ. У БУГУНГИ МАШАҚҚАТЛИ МЕХНАТ БИЛАН ЯРАТИЛАДИ. БУГУН ЯРАТГАН НАРСАМИЗ КЕЛАЖАККА ҲАМ УЎТАДИ. АГАР БУГУН ШОШИЛИБ НИМАНИДИР УНУТСАК, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УША НАРСАЛАРДАН МАҲРУМ БУЛАДИ.

Ислом ҚАРИМОВ.

Олиб борилаётган тўғри, изчил ички ҳамда ташқи сиебат республикамизни замонавий ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқаётди. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳам маданий алоқалар шу соҳада имкониятлар яратмоқда. Турли мамлакатларнинг делегациялари ўлкамизга расмий, маданий, илмий, инсонпарварлик ташрифлари билан келиб турибди. Чет эл инвестицияларини олиб келиш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, элмиздаги иқтисодий имкониятларни халқимизнинг манфаатларига хизмат қилдиришга қаратиш, уларнинг биринчи навбатда ижтимоий талабларини қондиришга йўналтирилган кенг қамровли тадбирлар қўрилмоқда. Велланган ислохотларни амалга ошириш, учун ҳужуқий шарт-шароитлар яратилайти, янги замон талабларига жавоб берадиган кадрлар

эга бўлган Президентимизнинг «Элмиз деб, юртим деб ёниб яшаш керак», — деган сўзларини ўзларига шпор қилиб олдилар. **ЁШЛАР** — бизнинг келажгимиз. Мамлакатимизнинг истиқболи, туриш-турмуши, унинг иқтисодий қуввати, халқимизнинг ижтимоий, миллий-маданий руҳияти ёш авлоднинг бугунги кундаги тарбияси билан узвий боғланган. Юртбошимизнинг ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди ҳамда «Соғлом авлод учун» жағмармаси ташкил этилди, аъло ўқитган талабаларга Президент стипендиялари жорий қилинди. Истеъдодли ёшлар хорижий мамлакатларда билим олиш учун юборилди.

Сен яна қайта тўласан, Орол!

«Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал» деганларидек яқинда Савиқий номидаги ўлкашунослик музейига бўлди. У ерда меҳнат эҳсанлари эмас, балки эртаклар дунёсига кириб қолгандай бўлди. **Эртакларда кўп айтилади, оч бўрининг олдига келдим. У худди ўша эртакдагидай тишларини қайраб, кўрғинчи тусга кириб, мағрур бўлиб турипти. Унинг ёнидан тўғиз ўти борпти. Ана ёввойи мушук, бериқорда қорақулқулғонинг учидан попути орқали узоқдан товушларини бошқа ҳайвонлардан олдинроқ эшитиши сабабли «Қорақулқул» номи олинган. Уни халқимиз «Йўлбарснинг хабарчиси» дейишади.**

дий ва ижтимоий муҳофиза қилиш, уларнинг истеъдодларини намоён этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўладиган ҳиссасини кўпайтиришдан иборат. Бунинг учун эса ҳар бир ташкилот аниқ мақсад йўлида ёшларни уюштириб билиши, уларнинг гайрат-шижоатини изчил йўналтириши муҳимдир. Ути даври тажрибаси шунини кўрсатдики, пухта ўйлаб кўрилган ҳолда туман, шаҳар ташкилотларининг ўз устларига эга бўлиши яхши натижаларга олиб келмади. Сабаби бир ерда котиб десак, бир ерда йўналтирувчи, яна бир жойда раис сифатида ишлатилиб келинди. Шунинг учун ҳам ташкилотларнинг тузилмаси қайтадан ўзгартирилиб, уларни ишнинг кўзини биладиган кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласи биринчи даражада қилиб қўйилди. Ахир ҳамма нарса кадрларга боғлиқ, деган гап бор эди. Ана шу ҳикмати гап кейинги пайтда унутилиб қўйилди.

тўллашга, «яшил бойликларини асрашга қаратилган отрядлар ҳам мавжуд бўларди. Бугунги кунда ҳам болалар ва ўсмирлар билан шундай ишларни олиб боришни йўлга қўйиш, уларнинг ўқишига талабчан бўлиш, ҳалол меҳнат қилишга қўнқима ҳолат қилиш, Ватанга меҳр-муҳаббатини уғотиш ҳозирги кундаги ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз.

тиблари туман ҳокимларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари этиб тайинланган. Бу йигит-қизларнинг ўрта-сида ёшлар Иттифоқининг ташқир ортишига хизмат қилляпти. Ватан чиройини очиб ўзидан бўлмайди. Аввало мамлакатимиз бойликларини асраш, авайлаш ва кўпайтириш, она заминга меҳр-муҳаббат уғотиш муҳимдир. Атроф-муҳитни муҳофиза этиш, аввало фақат минтақамизнинг эмас, балки жаҳон муаммоси ҳам бўлган Орол денгизини асрашга ҳисса қўшиш шунлар жумладан. Чунки бу минтақамизда соғлом авлод камол топишда муҳим аҳамиятга эга масаладир. Ёшларнинг жисмонан бақувват камол топишда жисмоний

ЁШЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

УБНИНГ АШИРБЕКОВ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

тарбияланапти. Миллий-маданий ривожланиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, ота-боболаримизнинг мерослари, қадриятларини қайта тикланапти. Юрагидея ватанпарварлик жонини жўш уриб турган ёшларимиз ҳамма олднинг сафарлари бўладилар, деб ўйлаймиз. Сабаби Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI қурултойи қабул қилган Ҳаракат дастури ва Ўстативия қўйиш ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган сиебатга ҳамоҳангдир. Фирмининг далили сифатида қурултой қатнашчиларининг Ислом Қаримов номига йўллаган миннатдорчилик хатидан шу жумаларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман: «...Сизнинг халқчил сиебатингизни мамлакат ёшлари бир тан бир жон бўлиб қўллаб-қувватлайдилар. Сизга барча тенгдошларимиз номидан бизга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлик учун чин дилдан миннатдорчилик изҳор этамиз. Истиқлол, халқимизнинг эрки ва Ватан соадати Сизнинг номингиз билан боғланиб қолди. Шу муборак туйғу бизни Сизнинг атрофингизда жипслайтиради. Бу йўл — муқаддас йўллар». Ана бир муҳим рамзий маънони ҳам таъкидламоқ лозим. Ёшлар чуқур маънога

фаси Ёшлар Иттифоқи Ҳаракат дастури ҳамда Ўстативия томонидан белгиланган берилган қондаларни рўбёга чиқаришдан иборатдир. Янги Ўстативия талабига мувофиқ яшаш ўзибуларчилиги, лаёқатсизлик сингари иллатлардан қутқилиши, тартиб-интизомни сақлашни, эл-юрт йўлида ҳалол меҳнат қилишни тақозо этади. Бунинг учун биринчи гада ёшлар ташкилоти фаол бўлиши республика, шаҳар ва туман миқёсида йигит-қизларга бошчилик қилиши, уларнинг ибратли ташаббус ва ҳаракатларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаши муҳимдир. Шунинг оқибати вақтларда Ёшлар Иттифоқи кўмиталарида кўпгина режалаштирилган ишлар ўлда-қўлда қолиб кетиши ҳолатлари содир бўлди. Кўмиталарнинг пленумлари, ёшларнинг йигилишлари ўз вақтида ўтмади, ўтганда ҳам мазмунсиз, самарасиз бўлди. Натижанда бирор бир таъинли, аниқ чора-тадбирлар қабул қилинмади. Қабул қилинган қарорлар эса турмушга жорий этилмай қорғоқда қолиб кетиш ҳолатлари содир бўлди. Шунинг учун Ёшлар Иттифоқи кўмиталари йўл қўйилган мана шу камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб олишлари муҳимдир. Чунки ёшлар етакчилиси ҳалол ва пок бўлиши зарур. Республика, туман, шаҳар кўмиталари бу борада

қўвнини оширишга, ўз касбияни пухта билишлари учун билим талаб этилиши зарурлигини айтиб ўтмоқчиман. Бу — бугунги куннинг талаби. Бу масалага масъул ўртоқлар ўз масъулиятларини тўла ҳис этишлари лозим. Ўзелигини аниқлаш масаласига келсак, шунини айтиш керакки, даслаб миллий-маданий меросимизни қайта тикланишига, ота-боболаримиздан қолган инсоний қадриятларини ҳозирги замонга мос ривожлантиришга, яхши урф-одатларини, маданий меросларини ўрнили қўлланишига эътибор беришимиз керак. Назаримизда, оила, мактаб ёшларнинг ҳозирги турмуш тарзи, эртанги куни ҳозирги кундан бошланишини унутмаслик керак.

Давр ёшларимиздан жасорат ва ташаббускорлик, фидойилик кўрсатиш, хайрли ишларда пешқадам бўлиши талаб қилмоқда. (Ахир тўқтинчи-сочинлик осмондан ёғилмайди. Қўтбароқа, ризқ-рўз фидокорона инжодий меҳнат эвазига келади. Буни ҳар бир йигит ва қиз қалбига жо қилиб олиб, аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилиши лозим. Тақдирини одам ўз қўли билан яратади. Шундай экан, йигит-қизларимиз ёшликка ҳис қайрат-шижоат билан элмиз, юртимиз йўлида меҳнат қилса, келажак насллар уларга ҳавас билан қарайди, қомил ишонч билан эргашади. Шунинг учун уларнинг амалга оширилган ишларини кўриб келажак насллар: «Улар биринчилар эди, гарчи осон бўлмасда», Ватанини жаннатга айлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар», — деб фахр этсинлар.

ҲАММАСИ ФАОЛЛИККА БОҒЛИК

қўмитаси томонидан Тошкент Давлат аграр университетининг Нукус филиали ҳам Қорақалпоғистон Давлат университетида ўтказилган илмий конференцияда аълочи талабаларнинг тақдирлаш учун 4 юз минг сўм ажратди. Талабаларимиз аъло ўқинчилари учун мамлакатимиз томонидан моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилапти. 1994 йил қишки сессия имтиҳонларидан аъло даражада ўтганларга мамлакат миқёсидаги стипендиялар белгиланди. Масалан, булар орасида Қорақалпоғистон Давлат университетида жуғрофия факультетининг 3-курс талабаси Илҳом Матмуродов Беруний номи стипендияга, кимё факультетининг 3-курс талабаси Бахитул Бекпалатова Ўлугбек номидаги стипендия оладиган бўлди. Нукус Давлат педагогика институтидан ҳам аълочи талабалар рағбатлантириб келинмоқда.

Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг ишчи жонлантиришда, уларнинг обрў-эътиборини оширишда туман ҳокимлари ҳам амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Ёшлар Иттифоқи Кегайли, Кўнғирот ва Қораўзақ туманларининг биринчи қор

Урғул ТАУБАЕВА, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кўмитасининг иккинчи котиби.

Ж. БАЕКЕВ, журналист.

Сир эмаски, кейинги вақтларда республика, туман, шаҳар ташкилотларига етакчи бўлган кадрлар масаласига етарли эътибор берилмади. Орамизга Ёшлар Иттифоқида ишлашга қобилияти йўқ одамлар кириб қолди. Қурултойда қабул қилинган Уставада Ёшлар Иттифоқи туман, шаҳар кўмиталари котиблари республика кўмитаси томонидан танлаб олиниб, келишилган ҳолда пленумда сайланиши кўрсатилган. Бу шайхонлар фаолиятини яхшилашга, йигит-қизлар ўртасида олиб бориладиган ишларини жонлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Яна бир муҳим масала ўз ечимини тоқди. Бу ҳам бўлса Ёшлар Иттифоқи мактаб ўқувчилари ва умуман болалар ва ўсмирларга бўлган ўз таъсирини йўқотган эди. Чунки Болалар ва ўсмирлар уюшмаси Ёшлар Иттифоқидан мустақил тарзда ажраб чиққанлиги ўзини оқламади. Эндиликда Ёшлар Иттифоқи кўмиталари ана шу болалар ва ўсмирларга ўз ғамхўрлигини кўрсатадиган бўлди.

Илгари бир қатор яхши тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, болалар ва ўсмирларни макултура, темир-терсек

«Қиёт»нинг ҲИММАТИ

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Беруний туман кўмитаси қошида ёшлар «Қиёт» уюшмаси тузилганига олти йил бўлди. Утган мана шу вақт ичиде диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Афғонистон заминиде ўзларининг бай-налмилал бурчини адо этиш пайтида ҳалол бўлган санжиз жангчига ҳайкал ўрнатилди. Яна бир мисол. Молга-мол алмаштириш йўли билан Россиядан турли қурилиш материаллари олиб келиниб, халққа сотилди. Ана шу қурилиш материалларини сотишдан тушган маблағ ҳисобидан иккита экскаватор ҳамда иккита бульдозер сотиб олдик. Ҳозирги пайтда 5 та техника ишлаб турибди. Ёшларнинг жисмоний бақувват ўсишида спортнинг ўрни катта. Бу соҳани ҳам унутганимиз йўқ. Ёшларимизнинг талабларини эътиборга олиб «Берунийчи» стадион барпо этдик. Мана шу стадионни ободонлаштириш ишлари билан шуғулланувчи ишчи-хизматчиларга маош тўлаб келаямиз. Ёшларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун қўлай имкониятлар яратилиши ўз самарасини берапти. Масалан, ўтган йили футбол командамиз республика миқёсидаги мусобақаларда катнашди.

Кўрбонбой МАТКАРИМОВ, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Беруний кўмитаси ҳузуридаги «Қиёт» ёшлар уюшмасининг директори.



МУМТОЗ ТУЙҒУЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар барчани мамнун қилапти. Қорақалпоғистондаги кўп болалик ва кам таъминланган оилаларга ҳам ёрдам берилмоқда, шубҳасиз бу ишларда ёшларнинг ҳиссаси салмоқли. Тўртқул туманида 138 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув, деганларидек, уларнинг орасида нафақахўрлар ногиронлар, хуллас турли тоифадаги инсонлар бор. Яқинда бу тумандаги меҳнат биржаси раҳбари Маулон Назаров кам таъминланган 25 оилага 40 минг сўмдан ёрдам пули тарқатди. Тахياتош электр станциясида эса туркман, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ

йигитлари бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишяпти. Бир сўз билан айтганда ушбу суратлар бизга қадрдон қорақалпоқ халқи ҳаётинан кўп нарсани ҳикоя қилаётди. Айниқса, Қорақалпоғистон

халқ артисти, сеvimли хонандамиз Бозорғул Қаримованин сехрли овози таралаётгандек бўлмоқда.

Ш. СИПАТДИНОВ, А. МУРАТОВ суратлари.



